

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг фикрича, бозор муносабати жараёнларининг самарали бошқаруви, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга ва кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган мустахкам иқтисодий тизимнинг яратилиши, Ўзбекистонга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига мардонавор қарши туришга ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини таъминлашга имкон берди.

М. Амир Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлган Тошкент бугунги кунда ривожланган инфратузилма, раван йўллар ва ҳашаматли биноларга эга бўлган замонавий саноатлашган шаҳарга айлангани алоҳида таъкидлади. "Мамлакат раҳбарияти ва шаҳар маъмуриятининг маънавий-тарихий мероси, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш борасидаги гамхўрлиги эътиборга молик".

Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманда **Малайзия Ишбилармон хотин-қизлар халқаро**

уюшмаси делегацияси-га бошчилик қилган Н. Борханнинг айтишича, "Ўзбекистонга уюштирилган сафар мамлакатда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширила-

оқилона ва мустақил сиёсат юргизган Махатхиринина кўйиш мумкин", деди Н. Борхан хоним.

Куала-Лумпур шаҳри мэрининг махсус масалалар бўйича ўринбосари Шаари бин Аҳмад

га қарамасдан, Тошкент иқтисодийнинг барқарор ривожланишига, сармояларни ташқи салбий омилларнинг таъсиридан ишончли ҳимоялашга хизмат қилади. ЮНЕСКОнинг Таълим, фан ва маданият

кам иқтисодни барпо эта олишни барча давлатлар ҳам эълонлайди.

Ю. Хошим Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотлар, мамлакатнинг савдо-инвестициявий сало-

кузатиб келмоқда. Эришилаётган ютуқлар эса, унинг фикрига кўра, алоҳида таҳсинга лойиқ. Р. Кушайри иқтисодий тараққиётнинг муҳим таркибий қисмлари — давлат газнасига даромад келтириш ва истеъмолчилар бозорини мувозанатда сақлашни таъминлайдиган бюджет профицити, янги иш жойларини ташкил этиш, ташқи савдонини ошириш ва инфляциянинг доимий назорат остида экани каби жиҳатларни санаб ўтди.

"Air Abda Sdn. Bhd." компанияси бош менежерининг ўринбосари Санжив Раонинг таъкидлашича, Ўзбекистон барча соҳаларда жадал ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг эришган энг катта ютуғи мамлакатда тинч ва барқарор ҳаётни таъминлаш, иқтисодийнинг раван ўсишидир. С. Раонинг сўзларига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ бўлган мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистонда нафақат ушбу глобал таназулнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, балки иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашга эришилди.

«Жаҳон» АА.
Куала-Лумпур

МАЛАЙЗИЯДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

ётган пухта ўйланган иқтисодий сиёсат ҳозирги инқироз шароитида Ўзбекистоннинг изчил иқтисодий ривожланишининг асосий омилли эканини яққол кўрсатди. Ҳозирги замон аъёнлари таъсир доирасига тушмай келаётган мутаносиб иқтисодий сиёсат эса, давомли янгиланишларнинг кафолати ва барқарор тараққиётнинг ютуғи бўлди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан бир сафга узоқ йиллар мобайнида Малайзия раҳбари бўлган ва мамлакатни қишлоқ хўжалигидан саноати тараққий этган давлатга айлантира олган,

Жуниднинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби инқирозни бартараф этишда мамлакатимизнинг ижобий таърибасини ҳар томонлама ўрганишга арзидиган асардир.

Ш. Жунид Ўзбекистон ва Малайзия пойтахтлари мэриялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишини ёқлаб чиқди. Бу Тошкент ва Куала-Лумпурнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салохиятини кенгайтиришга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози-

масалалари бўйича халқаро Ислам ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, шаҳарнинг дунё тамаддуни ривожига тугган ўрни ва ҳиссасининг муносиб эътирофидир.

"The Globalist" журналининг халқаро масалалар бўйича ношири Юсуф Хошим Ўзбекистон иқтисодийнинг ривожланишига, жумладан, 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига юқори баҳо берди. Унинг фикрига кўра, мустақил-лигининг қисқа даври ичида глобал молиявий инқирозга қарши муста-

ҳияти, бой тарихий ва маданий мероси, Ўзбекистонда 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни ўз наширида чоп этиш режалари тўғрисида батафсил тўхталди.

"Селога Интернейшл корпорейшн" компанияси директори, Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Редзуан Кушайрининг таъкидлашича, у мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини диққат билан

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сайёҳлар тунаб кетилди

Перу пойтахти Лима шаҳри яқинида жойлашган ўрмон қўриқхонасида 12 нафар хорижлик сайёҳ тунаб кетилди.

Маълум бўлишича, қуролланган шахслар қўриқхона табиати ва муҳити билан танишиб юрган сайёҳларга ҳужум уюштириб, уларнинг бор-будини тортиб олган. Шундан сўнг жиноятчилар воқеа жойидан қўйиб бўлишган. Сайёҳларга ҳеч қандай тан жароҳати етмаган. Айни пайтда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Қароргоҳда портлаш

НАТОнинг Афғонистонда жойлашган қароргоҳида портлаш амалга оширилди.

Хунрезлик Қобул шаҳридаги АҚШ элчихонаси яқинида содир этилган. На-тижада етти киши ҳалок бўлган, жабрланганлар сони 91 нафарга етган. Оммавий ахборот воситаларида келтирилишича, қўловчилик ҳаракатини "Толибон" жангарилар гуруҳи ўз зиммасига олган. Тўда вакилининг сўзларига қараганда, портлаш аслида АҚШ элчихонасида амалга оширилиши режалаштирилган экан. Аммо миндалаштирилган машина белгиланган жойга етиб бора олмагач, НАТО қароргоҳи мўлжалга олинган.

Қузатувчиларнинг фикрича, бу "Толибон"нинг 20 август кўни бўлиб ўтadиган президентлик сайловини барбод этишга қаратилган уринишларидан биридир. Ақс ҳолда, айнан сайлов ўтадиган объектда портлаш амалга оширилмаган бўларди. Шу боис ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бу ердаги коалиция кучларидан хўшёрликни янада ошириш талаб қилинмоқда.

Хабар рад этилди

Сурия Мудофаа вазирлиги Манбиж туманида ракета синовлари ўтказилди, деган хабарларни расмий равишда инкор этди.

Эслатиб ўтамиз, бир қатор хориж оммавий ахборот воситалари ушбу мамлакатда ракета синовлари ўтказилгани ва мўлжалда янглишилгани босис, 20 киши ҳалок бўлгани ҳақида ахборотлар тарқатганди.

Мудофаа вазирлиги вакили мамлакатда умуман ҳарбий амалиёт ўтказилмагани ҳақида баёнот берган.

Озиш учун яхши восита

Сирка кислотаси аралашмаси инсон организмидеги ёғларни парчалаб, озишга ёрдам берад экан.

кур аралашма инсон организмидеги зарарли, деяр маълум қилинганди. Яъни, у иштаха бўғиш ва қон таркибидеги қанд миқдорини камайтириш каби салбий хусусиятга эга эканлиги аниқланган.

Эслатиб ўтамиз, сирка орқали озишни истаганлар, албатта, шифокор билан маслаҳатлашишлари лозим бўлади.

Қияликдаги ҳалоқат

Боливиянинг Ла-Пас шаҳрида йўловчи автобуси қияликдан кулаб тушди.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ҳалоқат 19 кишининг умрига зомин бўлган, 23 нафар йўловчи эса тан жароҳати олган. Ҳозирча ҳалоқат сабаблари номаълум. Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Талабанинг иш ўрни тайин

Пахтачи туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази ва прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 56 та корхона ва ташкилот 276 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада тумандаги тўртта коллежни битирган ёшлар қатнашди. Аҳамиятлиси,

ҳозиргача 1500 дан ортиқ битирувчининг 1160 нафари иш билан таъминланган эди. Бу ярмаркада яна 200 дан ортиқ йигит-қизга ўзлари танлаган касблар бўйича ишга йўланмалар берилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

артикули 1395, эни 100 см. бўлган «Диagonal» ип газлама матоси ва артикули 999, эни 130 см. бўлган оқартирилган бўз матоси сотиб олиш бўйича

ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тақлифлар куйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 291-59-00, 291-69-91. Факс: 291-59-00. E-mail: guin_mvd_uz@bk.ru



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ

2009 йил 9 мартдаги 15/1-сонли

қарори билан банкнинг амалиётга жорий этилган «Соврин плюс» омонат турига 2009 йил 10 августдан аҳоли маблағларини қабул қилиш тўхтатилди.

Халқ банки матбуот хизмати.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси

томчилатиб сўғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик таърибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида гўзани, бог ва иссиқхоналарни томчилатиб сўғориш тизимларини

сотиб олишни таклиф этади.

«Санипласт» лойиҳаларни амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Бизнинг мутахассисларимиз экинларни сўғориш ва ўғитлашда маслаҳатларини аямайди.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини етказамиз.

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳри, «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 265-18-56, 265-16-91.

Завод ТЕМЗ ишлаб чиқарувчи ва реализувчи:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-09-25
232-10-63

242-хона

ПП «СНІРСНІҚ ШАНХАЙ PLAST»

ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

скидки от объемов

Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22.
Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБАЗ».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99.
www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

«TITAN BIZNES» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган

ЎҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 сўмдан таклиф қилади

+ (99871) 233-06-25
+ (99898) 127-54-64

Махсулот сертификатланган

ОТЪ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ УЧУН «HYUNDAI» ЮК МАШИНАЛАРИ ТАЪМИНОТЧИСИ

Жанубий Кореянинг «Road International Co., Ltd» компанияси куйидаги қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини таклиф қилади:

- «HYUNDAI» компаниясида ишлаб чиқарилган
 - экскаваторлар (гилдиракли ва ўрмаловчи)
 - самосваллар ва юк машиналари — 2,2-27,9 тонна
 - автобуслар — 15-50 ўринли
 - ёқилги ташувчи, трейлер ва бетон миксерлар

ҲАМДА

- тош майдалаш ва кум ишлаб чиқариш заводи — 50-600 тонна/соат
- асфальт тайёрлаш заводи — 30-240 тонна/соат
- бетон тайёрлаш заводи — 120-360 м³/соат муқим ва кўчма шаклларда
- рух, алюминий ва буюқ қопламали совуқ ёйилган пўлат урамлар

БУЮРТМА БИЛАН

Ваколатхона манзили:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14, Germilea биноси.
Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: + (998 71) 140-10-91, 140-10-92.
E-mail: rico2008@mail.ru
Web-site: www.rico21.com

Спорт • Sport • Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Кўпчилик ишқибозларнинг ёдида бўлса, ўтган йили Хитой пойтахти Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридаги канозда (1000 метр) эшак эшиш баҳслари жараёнида юртдошимиз Вадим Меньков биринчи ўринга чиқиб олган эди.

Аммо Вадим сўнги дақиқалардаги рақибларини олдинга ўтказиб юбориб, яқинда тўртинчи ўрин билан кифояланганга мажбур бўлди. "Эсим, совринли ўрин нақд эди-я", дея афсуслангандай ўшанда. Вадим Олимпиада ўйинларидан қайтиб келгач, ўша лавзалар ҳақида гапириб, "Мен байриб галаба қозонаман", деб ваъда берганди.

Кўни кеча Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз сўзининг устидан чиқди. У 1000 метрга канозда эшак эшиш баҳсларида 3:55,947 натижа кайд этиб, жаҳон чемпиони деган сарофли номга сазовор бўлди. Биздан минглаб километр олдига жойлашган Дартмут шаҳрида музаффар спортчимиз сарофлига ўзбекистон байроғи кўтарилди, мадҳиямиз ангради. Иккинчи ўрин Матье Жубель (Франция), учинчи ўрин аса Себастьян Брендель (Германия)га насиб этди. Чемпионатда дунёнинг 75 та мамлакатидан спортчилар иштирок этганининг ҳисобига олсак, мазкур галабанинг қиймати канчалик юқори эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Вадимнинг галабаси барчамизни ғурурлантириб юборди, — дейди байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича мурраббийи Татьяна Маматкулова. — Унинг номи ўзбекистонлик спортчилар орасида канозда эшак эшиш бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлган спортчи сифатида ҳам тарих зарварларига ёзилди. Албатта, шогирдимизнинг галабаси Муस्ताқиллигимизнинг ўн саккиз йиллик байрамга ҳам ўзига хос совға бўлди.

Шу ўринда мамлакатимизда Президентимиз томонидан спортнинг бошқа турлари қатори, байдарка ва канозни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мубоффақиятларга асосий омили бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юртдошларимизнинг ушбу спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ахшиллаб бормоқда.

Эслайтиб ўтамиз, Вадим жорий йил бўлиб ўтган жаҳон кубогининг ўн босқичли мусобақаларида ҳам мубоффақиятли иштирок этган эди. Жумладан, Рачиче (Чехия)да ўтган биринчи босқичда 500 метрга эшак эшишда олтин, 1000 метр масофада кумуш медалига сазовор бўлган эди. Познань (Польша)да ўтказилган иккинчи босқичда 1000 метр масофада олтин, 500 метр масофада эса тўртинчи ўринни кўлга киритган эди. Июнь ойида Сегед (Венгрия) шаҳри мезонлиқ қилган учинчи босқич беллашувларида эса канозда 1000 метр масофага эшак эшишда кумуш, 500 метрга эшак эшишда эса бронза медали билан тақдирланганди.

Шахматчимиз кучли учликда

Арманистоннинг Жермук шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқичи кизгин паллага кирди.

Нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов еттинчи турда украинлик гроссмейстер Василий Иванчукга қарши дونا суриб, 0,5:0,5 дуранг натижага эришди.

Еттинчи турнинг қолган учрашувлари қуйидагича яқунланди: Этьен Бакро (Франция) — Дмитрий Яковенко (Россия) 1:0, Борис Гельфанд (Исроил) — Эрнесто Инаркиев (Россия) 1:0, Гата Камский (АҚШ) — Евгений Алексеев (Россия) 0:1, Сергей Карякин (Украина) — Владимир Аюпан (Арманистон) 1:0, Иван Чепаринов (Болгария) — Петер Лекко (Венгрия) 0:1, Павел Эльянов (Украина) — Левон Аронян (Арманистон) 1:0.

Еттинчи турдан сўнг турнир ҳадвалида қуйидагича вазият юзага келган: Лекко — 5 очко, Қосимжонов, Иванчук — 4,5, Алексеев, Гельфанд, Эльянов, Карякин, Аронян — 4 очко, Бакро — 3,5, Яковенко — 3 очко, Чепаринов, Камский, Аюпан — 2,5 очко, Инаркиев — 1 очко.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО (18 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб турса, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнғинчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик кузатилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнғинчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик кутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнғинчилик кузатилмайди. Тунда 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 17-19, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Бекобод шаҳар ҳокими Абдурахман Раҳманович БҮРҒИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институтини ректорати ва бирлашган касба уюшма кўмпютер математика кафедраси профессори Мурод Вобоклович КАРИМОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси хореография коллежи ўқув бўлими бошлиғи Диффуза Мариювога акаси Иномхўжа ЗИЕВИДИНОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Не бахти, ўтган кунларимизнинг қора пардаларини Истиқлол кўёши маъв эпти. Тарихий хўрликнинг мусибатини, доғини ювиш бекиёс жасорат, Ҳимматлар ичида энг улғури, мардиклар ичида энг буюғидир. Муस्ताқиллигимиз Меймори — Исом Каримов истибоднинг ўта мураккаб йилларидаёқ халқимизни таҳрирлашга, хўрлашга, ор-номусини топташга қаратилган ҳаммаларга қарши чиқиб, бўҳтон ва иғволарга чек қўйди. Нурли ва саодатли Истиқлол йилларида эса миллатимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва гурури буткул тикланди. Асрий адолат қарор топди. Халқимизнинг обрў-эътибори юксалди.

Хусусан, 1999 йил 22 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, унда Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида мустамлакачилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуини барпо қилиш ҳамда "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармасини ташкил этиш

қайд этилди. 2000 йил 12 май кўни эса Тошкентнинг Юнусобод туманида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи очилди.

"Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла оқиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаёти-мизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутуши шубҳасиз". Бу Юртбошимизнинг ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги сўзлари.

Дарҳақиқат, тарихдан сабоқ чиқариш, қимлигимизни англаш, ўтмишимизнинг янгли йилларини юракдан ўтказиб, бугунни идрок этмок, Истиқлолнинг буюк нәъматлигини тушуниш, унинг аҳамияти асрлар силсиласидан-да қадрироқ туғу эканлигини кўнгилда туймоқ — ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Боиси, "Шахидлар хиббони"да ораузи гўзаллиги учун ваҳшиёна маъв этилган боболаримизнинг руҳлари уйғоқ. Боиси, қатлгоҳ ўрнида тикланган хиббонда бугун Истиқлол авлодлари ўз ўтмишларига бефарқ, лоқайд ва эътиборсиз эмас. Энди улар "Нега, нима учун?" деган саволларни берадилар, Истиқлолнинг беғуборлигини, унинг тақдирига ўзлари масъул эканлиқларини теран ҳис этишади.

— "Шахидлар хиббони" ёдгорлик мажмуи ва унинг барридаги музей-

бу ерга ташриф буюриб, музей фаолиятини бугунги кун нуктага назаридан такомиллаштириш хусусида тўхталиб ўтдилар. Ўз тақлиф ва истақларини баён этдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, Юртбошимизнинг ўтган давр ичида Қатагон мавзусини илмий ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар, янги топилган маълумотларни кенг ёритиш, тарихимизнинг фожиали саҳифалари ҳақидаги бор ҳақиқатни жамоатчиликка, хусусан, ёш авлодга ҳолис ва ҳаққоний асосда етказиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари музей жамоаси учун дастуриламал бўлди. Қолаверса, Президентимиз-

тамомила янғича кўриниш касб этди.

Очиги, ёшлар бу манзилни зиёрат қилиб, сўнг янги ҳаётга қадам қўйишга аҳд қилганликлари бизни кўнвиртирди. Оқшом тушар-тушмай, бу зиёратгоҳга келин-кўвлар кела бошлашаркан. Бу ҳодиса "Шахидлар хиббони" очилган кундан бирикки ой ўтар-ўтмас, табиий равишда имомий тус олибди. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", деган эди Юртбошимиз. Бугун порлоқ келажак сари қадам ташлаётган ёшларимиз қалбидан хотира ва эъзгу туйғуси ёнма-ён.

Чунончи, Истиқлол шарофати ва Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлардан бири "Шахидлар хиббони" ёдгорлик мажмуи ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи навқирон авлод келажаги учун хизмат қилапти, десак муболага бўлмайди. Бир пайтлар суронли ва тахликали йиллар гирдобиде ярқ этиб порлаб, зулм ва исканжа қийноқларига дош беролмай ёш кетган истеъдодли шоир Абдулла Алавий шундай ёзган эди.

Гул ва булбул билан баҳорлар ўтар, Ёз ўтар, куз ўтар, қора қиш кетар. Ҳеч нарса абадий қолмас жаҳонда, Ёлғиз хотиралар сақлар замона.

Ҳа, қора қиш кетди. Шу қора қиш совуқларида ўтганлар ёди бугун қалбимизда. Истиқлол бизга бахтли яшашни, эртанги кунларга ишонини, бунёдкорлиқни, буюкликни ўргатди. Шу билан бирга, боболаримизнинг гўзал умидларига бизларни қанот қилди. Биз бугун улар орузлаган парвозларда масруримиз, чинакамига бахтиёримиз. Энг муҳими шу эмасми?!

Абдували ҚҮТЕБИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни

саларимиз кўзда ёш билан, маъюслик ёдгорлик қошида дуои фото қилиб, музейни кўздан кечирадилар. Махсус мультимедияларга киритилган эски ёзувлари, жумладан, Муҳиддин Қори Ёқубовнинг дардли қўшиқларини эшитишади. Ёшларимиз эса ҳар бир экспонатга катта эътибор билан қарашади, ўтмишимизнинг ориқли манзараларига кўзлари ёниб боқишади. Музей ходимларига шу қадар кўп саволлар беришадики, қойил қоласиз. Аждодларимизнинг бошига тушган қуфатлар, уларнинг метин иродаси ёшларга кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, Истиқлол даврига оид экспонатлар уларни ғурурлантиради, шу юртнинг фарзанди эканлиқларидан фархланишади.

Қарорга биноан, музейнинг маъжуд бизнеси реконструкция қилинди, янги иккита экспозиция залини ўз ичига олган қўшимча бино қуриб битказилди. Ҳозирда музейда 10 та бўлим бор. Юртбошимизнинг алоҳида эътибори туфайли музей экспозицияси учун фойдаланиш мақсадида 300 га яқин фотосурат, 140 та экспонат, 96 та видео ва аудио диск, 29 та электрон манба тўпланди. Музейи замонавий дизайн талаблари асосида

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари 2007 йилнинг 31 август кўни

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш жоизки, умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасидаги ишлар, балки ушбу кунларда кенг қамровда ташкил этилган меҳмурувват, хайр-саховат тадбирлари билан ҳам аҳамиятли бўлди. Чунки бу жараёнда ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари хашар йўли билан таъмирланди, бундай эҳтиём-манд инсонларга 400 миллион сўмдан зиёд миқдорда

фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистонликлар ҳам шу кунлари катта ташаббус билан чиқдилар. Жумладан, кўпнинг кўчи билан Нукус шаҳридаги Халқлар дўстлиги, Муस्ताқиллик майдонлари тозаланди, Акварк, Амфитеатр ён-атрофлари ободонлаштирилди.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ: ЮРТГА ЧИРОЙ, КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ

моддий ёрдам кўрсатилди. Албатта, умумхалқ хашари тадбирлари юртимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилган ўзига хос хайрли ишлар билан ҳам эътиборлидир. Жумладан, ушбу кунларда андижонликлар Пахтаобод, Шахристон, Булоқбоши туманларида қад ростлаётган касбхона коллежлари, Избоскан тумани ва Хонобод шаҳрида бунёд этилаётган савдо шохбачалари ҳамда вилоят марказидаги 400 ўринли меҳмонхонанинг қурилиш-таъмирлаш ишларида фаол қатнашган бўлсалар, Наманган вилоятида хашарчилик саъй-ҳаракати билан 450 дан зиёд маҳалла гузарии обод ҳолга келтирилди. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Қорабўйин маҳалласига туман марказидан сув қувурлари тортиб келиниб, салкам уч юз хонадоннинг ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги кўплаб хонадонлар таъмирдан чиқарилди.

тироҳат боғига уйғун тарада яратилаётган Рудакий номидаги майдонда бунёдкорлик ишлари янада жадаллашди. Гури Амир ва Рўҳобод мақбаралари атрофидаги фаворалар таъмирланди. Шу билан бирга, қарийб бир километр масофани ташкил этивчи Университет хиббони йўлакларига махсус қопламалар тўшалди, замонавий кўринишдаги ёриткичлар ўрнатилди.

Пойтахтликлар эса Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан маҳаллалар ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги Шўртпепа, Нодирабегим, Ҳамза туманидаги Беҳизор, Собир Раҳимов туманидаги Гулзор маҳаллаларида янги гузарилар қурилиши давом эттирилган бўлса, Шайхонтоҳур туманидаги Янгишаҳар маҳалласи аҳли ҳудудда барпо этилаётган спорт иншооти қурилишида фаол иштирок этди. Шунингдек, Учтепа туманида 53 нафар маҳалла оқсоқоли ва ҳомиёлар ташаббуси билан қайта таъмирдан чиқарилаётган 199-ихтисослашган мактаб-интернат биноси кўркам қиёфа касб этди.

Мухтасар айтганда, умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан бундай хайрли ишлар мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳари қишлоқларида кенг қўлоқ ёйди. Айни кунларда эса юртдошларимиз август — ободонлаштириш ва тазалик ойлиги доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирларида фаол иштирок этишмоқда.

Ф. БҮТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни кириб келаётган Ўзбекистон Республикасининг Муस्ताқиллик кўни билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

- «ЗИЁЛИ»
 - Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 фоизгача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
 - «ТОШКЕНТ — 2200»
 - Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 фоиз ҳисобланади.
 - «ИШОНЧЛИ»
 - Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кўни берилади.
 - «СТУДЕНТЛАР УЧУН»
 - Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38 фоизгача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
- «УНИВЕРСАЛ» АҚШ доллариде
 - Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кўни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сергели филиали	(371)	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8. Асака филиали	(374)	233-13-69
9. «Фарход» филиали	(374)	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11. Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13. Кўкон филиали	(373)	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 703, 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳои келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Тижорат материали»

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Тошпирилди — 00.30

1 2 3 5

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнгов. Навбатчи муҳаррир — А. Каримов. Навбатчи — Ф. Абиллов. Мухассаҳ — Ш. Машраббеков.